



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТОШКЕНТИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Қадим ва муҳташам Тошкент ўзига ёндош худудлар эвазига Шарққа томон кенгайб боришида, шахарнинг күёшга, осмонўпар төглар томон интилаётганида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Зеро, янгилик, ободлик ва бунёдкорлик – ойдинлик, нурли йўл уюкалиш деганидир.

Дарҳақиқат, мамлакат юраги ҳавога тўйинниши учун Тошкент шахри батамом “яшил худуд”га айланмоғи лозим. Кампус ўзининг бетакор-замонавий композицион тархи, боғлари, оғочзорлари, гул-бўстонлари, сув ҳавзалари билан, дейлик, азим Тошкентни бамисоли кафтида авайлавиди.

Янги Тошкент худудида “Янги Ўзбекистон” университети, Тошкент давлат педагогика университетининг кампуслари, Миллӣй китубхона, Миллӣй театр, Алишер Навоий номидаги ҳалқаро илмий-тадқиқот маркази, Адабиёт музейи, ижод мактаби ҳамда Миллӣй мақом маркази қад ростлайди. Шавкат Мирзиёев Янги Тошкент шахридан илк иншоотлар курилишини бошлаб берар экан: “Булар маърифатни жамият барпо этиши фоямизнинг асоси ва намунаси бўлади”, деган жуда муҳим фикри айтди. Дарҳақиқат, жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар ўзларида бунёд қилинган маърифат, маънавият, маданият масканлари шуҳрати билан дунё ахлини ўзига қаратади. Кўпларнинг хавасини келтиради. Куч-кудрат, янгиланган тафakkur маҳсулоти бўлган эзгулик бинопарларининг курилиши ўзбек ҳалқи учун бобомерос қадриятлар сирасига киради. Зеро, бугунги тарихий кундаги янгилишларни кўрган ҳар бир юртошимиз хаёлига “Куч – адодларда” аборасини ҳаётинг таймойлига айлантирган буюк Амир Темурнинг: “Агар бизнинг кудратимизга шубҳа қўйсан, биз курган иморатларга бок”, деган фикрлари келса ажаб эмас. Муҳташам бинопарни илм-фан, маънавият, маърифат, адабиёт ва санъатга даҳлдор бетакор мазмун яшнади, албатта.

Мамлакатимиз Президенти ёшлар келажагини, маънавий-ахлоқий тар-

биясини ўйлаб, бу янги масканда биринчилар қаторида Тошкент давлат педагогика университетининг янги кампуси курилишига диккат қаратди.

Бу кампус 20 минг талабага мўлжалланган ўкув бинопари, 5 минг ўринли ётоқхона, 300 ўринли боғча, 616 ўринли мактаб, 588 ўринли академик лицеи, замонавий спорт комплекси, маданият саройи, амфитеатр ва бошқа иншоотларни камраб олади. Дунёнинг кўп мамлакатларида мавжуд бўлган “богча – мактаб – университет” уйғун тизимининг бир жойда жамланиши, табиийи, ўзининг жаҳорий самарасини беради. Зотан, янги куриладиган шахарга ҳам, ўкув даргоҳлари ва унинг сайилгоҳлари ҳамда боғларига янги давр ёшларининг пойкарами жуда-жуда ярашиди. “Янги Ўзбекистон” университети Янги Тошкент учун янгича тафakkur, илғор илм-фан маркази бўлиши аниқ. Бу университет кампусида 10 минг талабага мўлжалланган ўкув бинопари, 1 минг 150 ўринли ошхона, китубхона ва ихчам музей, спорт маъмуаси, олимпия сувиш ҳавасини барпо қилинади. Бундай шарт-шароит, ёшларининг илм олиши, тарбия толисига мос имкониятларни кўрган катталар беътихёр “Оҳ, сенинг ёшларига менда бўлслайди”, деб ҳавас килишишар табиий.

Китобхонликка жуда катта диккат килинаётган мамлакатимизда китубхоналарнинг курилиши – маънавий тараққиёт учун бениҳоя улкан зарурат саналади. Янги Тошкентда умумий кўлами 30 минг метр квадрат майдонни ҳамрап оладиган Ўзбекистон Миллӣй китубхонаси. Ўзбекистон ахлини чин маънодаги китобхон миллатга айланиси, кўнгиллар ободлигига беминнат хизмат қилиши тайин.

Дарвоже, Янги Тошкент худудида ҳазрат Алишер Навоий номидаги юритиладиган Ҳалқаро илмий тадқиқот марказининг барпо қилиниши нафақат юртимиз адабиёт-шунослари, балки дунёнинг барча ҳудудларида ишлаб, истиқомат қилаётган навоийшунослар учун ҳам тухфа бўллади. Алишер Навоий ва башқа алломаларнинг ҳаёти ҳамда ижоди тадқиқи, бўлганида ҳам, ҳалқаро да-

ражада ўрганилиши ўтганлар руҳини шод этади, иккинчидан, бугунги таҳлилини замонда ҳар бир инсонни камолот сари бошлайди.

Халқимизнинг суюкли шоираси Зулфияхонининг бир шеърида “Бу боғлар – бир боғлар бўлади ҳали...” деган мисра бор. Шунга монанд бу шаҳар бир гўзал маскан, дунёга донг таратадиган маданият, маърифат шаҳри ўларо дунёга донг тарафади.

Миллӣй театрнинг катта биноси курилиши санъат ахлини нақадар мамнун қўлса, драматургларга илҳом бағишлайди, томошабинларга эса завқ.

Шунингдек, Янги Тошкентдаги маънавият мажмуаси таркибида замон талабларига мос алоҳида ижод мактаби, Адабиёт музейи ва Миллӣй мақом марказининг барпо этилиши ҳам маърифатта, адабиёт ва санъатга, бир сўз билан айтганда, кўнгил ободлигига даҳлдор инсонларга шодлик улашади.

Президент Ш.М.Мирзиёев айни тарихий кунда: “Бугун пойдевори кўйиладиган масканлар кўп йиллар халқимиз маънавиятини бойитиш, ёшларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қиласди. Янги Тошкент шахрининг нафақат юртимиз, балки мінтакамизда ҳам чинакам илм-маърифат ва маданият марказига айланишига катта ҳисса кўшади, деб ишонаман”, деган гапи чукур ҳаётӣ асосга эга, албатта.

АЗал-азалдан бинопар, кутубхоналар, масжидлар, кўприклар кургандар эъзозланган. Курилишига сабабчи бўлган ва кургандар учун бекиёс савоб ёғилиб туради. Истеъоддли шоиримиз Максуд Шайхзоданинг: “Шаҳарлар бокийдир, умр – ўткичи, Дарёлар сабитdir, сувлар – кўчкичи”, деган машҳур мисралари бор. Сувлар оқиб кетади, манзилига етади. Аммо шаҳарлар, хусусан, янги бунёд бўладиган Янги Тошкентдек замонавий шаҳарлар боқий бўлиб колажак.

ТАҲРИРИЯТ

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СҮНГ...



ГУЛБОЗОР САЙЁХЛАРНИ ЧОРЛАМОҚДА

новвойхона ва музей ташкил қилинган.

Президент Шавкат Мирзиёев 3 апрель куни шу маҳаллада бўлди, унинг кўчаларида пиёда юрди. Махалла ахли, нуронийлар билан сұхбатлашди.

Давлат раҳбари замонавий мажмуулар ҳамма

жойда борлигини, хорижий сайдиҳларни мана

шундай буюк тарихимиз билан кўпроқ жалб этиши

шимиз кераклигини алоҳида таъқидлади.

Гулбозорда 2 минг 670 аҳоли яшиади. Ўттизга

яқин савдо, хизмат кўрсатиш шоҳобчалари,

новвойхона, дориҳона ва хусусий мактабгача таълим

ташқипоти фаолият юртимодка. Кўрилган

чора-тадбирлар натижасида маҳалла ишлизик

дан холи ҳудудга айланган. Шунингдек, маҳалла

да “Хавфсиз ҳудуд” тизимига интеграция қилинган кузатув камералари ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 январда “Республика хорижий туристлар оқимиини кескин ошириш ҳамда ички туризми янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Хужжатда юртимизга хорижий сайдиҳларни кенг жалб қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш, туризм намоъиши объектларидан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилган.

Бугун ушбу хужжат ижроси доирасида қилингаништаги ишларни Гулбозор мисолида ҳам кўриш мумкин.

Туризм зарур инфратузилма яратилсанда яхши ривожланади. Шу жиҳатни инобатга олган њонда маҳаллада замонавий уч юлдузи мехмонхона бунёд этилмоқда. Соҳага доир таълим хизматларини ташкил этиш мақсадида эса хусусий олий таълим дарроҳи ташкил этилмоқда. Бу икки лойиҳа доирасида яна янги иш ўрнлари яратилади.

Шунингдек, худудда “Яшил макон” лойиҳаси доирасидаги ишлар изчил амалга оширилмоқда. Натижада маҳалла ҳудудида мевали ва манзарали дараҳатлар, гул-чечаклардан иборат боф ташкил этилди. Бу масаланинг сурʼониши ташкил этилмоқда.

**Икром АВВАЛБОЕВ,
ЎЗА мухбири**

НАСАФИЙНИНГ БОҚИЙ НАФАСИ

Бошланиши 1-саҳифада.

2017 йилда Президентимиз ташабуси билан мазкур зиёратгоҳда жуда катта курилиши ва ободончилик ишлари бошлаб юборилди. Шу тарика мажмуа бутунлай янгича қиёға касб этиб, дунё жамоатчилигининг ёзтиборини ҳам қозонди.

XI-XII асрларга оид зиёратгоҳ тўлиқ таъмирланди. Мажмуа майдонидаги 1234 йилда бунёд этилган кўнглини шаҳар масжидига кўшичимча тарзда шарқона услубда 250 кишилик янги саждагоҳ қад кўтарди. Шунингдек, аллома мақбасари таъмирланди, аждодлар қолдирган маънавий меросини илос билан ўрганиш истагида бўлганлар учун ақида мактаби ва китубхона, осори-атиқалар воситасида ёш авлод тасаввурини бойитиш мақсадида маърифий музей ҳам бунёд этилди.

Музейда улуг олимнинг ноёб асрлари, унинг шогирдлари ҳақида маълумотлар ҳамда асрий қўйлэзма-китоблар, шунингдек, Насаф тарихига оид қўйлланмалар сақланади. Кўргазмадаги қадимий манба-лардан ўз даврида мадраса талабаларига таҳсил бершида фойдаланилган. Айтишларича, бу нодир қўйлэзмалар большевиклардан асраш учун сигир терисига ўралиб, мажмуа девори орасига яширилган. Улар 1968 йилда ёғингарчилк оқибатида девор емирилиши тудфали топиб олинади. Улар орасида XVII-XVIII асрларга оид иккى дона Куръони карим китоби, тўртта диний адабиёт ва “Фатҳ” сураси чироийла шаклда тикилган мато парчаси ҳам бор. Самарқанд ипак қоғозига настъалиқ ёзувидаги тушнадиган маҳобатли Каломуллоҳнинг бир нусхаси айни пайтада мазкур зиёратгоҳнинг музейда, иккинчиси эса Шаҳрисабзда сақланмоқда.

– Музейимизда электронлаштирилган компакт мониторлар ҳам ўрнатилган, –



деди Абу Мун Насафий тарихини мажмуасини бошқариш ва ободонлаштириш шубҳасиз. Қашқадарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Фаҳриддин Ҳусайнининг айтишича, ҳарбий хизматчиларнинг оиласи-лари билан Абу Мун Насафий зиёратгоҳи келиб-кетишларига зарур шароит яратиб берилган. Янги, уларнинг қатъий тартибдаги иш фаслиятидан келиб чиқсан холда, аёллари ва фарзандлари учун махсус автобуслар ташкил этилган.



Ха, бу ерга зиёратга келган тарихининг баҳри-дилли очилиши табиий. Мажмуа худудига олти юздан ошиқ манзарали дараҳт кўрк бериб турибди. Шаклдор кўкалалар майдончаларда анвоний гуллар барқ уриб ётибди. Зиёратга келганлар учун гид хизмати ҳам йўлга кўйилган бўлиб, Фаҳриддин Қурбонов ва Элдорбек Жуманиёзвонинг айтишича, ёши 300 дан 700 йилгача

тахмин қилинадиган қадимий тут дараҳтларидан тортиб, чукурлиги ўн уч метрлик тошкудуғу қизлар мадрасаси ҳисобланган “духтархона” зиёратчиларнинг этиборини тортади.

– Одамлар мажмуа ҳақида ҳар хил ривоятлар тўкишган, – дейди Элдорбек Жуманиёзов. – Эҳтимол, бу тўқималар Абу Мун Насафийнинг номи ва у иши мангу ором топган жой тарихдан ўчиб кетмаслиги учун яратилгандир. Ахир, ҳар ишда бир ҳикмат бор-да. Қадимий тутлар ҳақидағи афсонада бир киши тутни кесмоқчи бўлса, тут олов олиб, одам куйб ўлгани айтилади. Тутлар эса замонлар оша яшаётгани даъво қилиниб, хилма-хил нақллар тўқилган.

Мажмууда қадимийлик ва замонавийликнинг уйғун саси бор. Зиёратгоҳнинг ораки тарафидан ўтиз гектарлик катта қабристон ҳам бўлиб, ундан топилган ўнта қабротшо мажмуа таркибида қолдирилган. Уларнинг ҳар бирдаги қадимий арабий битиклар ҳозирги ёзувга ўтирилиб, қабротшо дерворига муҳрланган. Бундан ташқари, қабротонда темурийлар даврига оид яна 400 га яқин қабротшо сақланган. Зиёратгоҳга кириш йўлаги бўйлаб эса мотуридия таълимотининг энг улуғ тарғиботчиси ҳисобланган Абу Мун Насафий китобларининг мухташам рамзи ишланмалар ўрнатилган.



“ҲАР ЕРДАКИМ, ИМОРАТҚА ҚОБИЛ ЕР КҮРСА ЭРДИ...”

Бошланиши 1-саҳифада.

Хатто буни таъкидлаш учун, шаҳар атрофида Дамашқ, Бағдод, Миср, Шероз, Султония каби машҳур шаҳарлар номлари билан атаглан, бөг-роғларга кўмилган катта-катта қишлоқлар барпо килди. Бунинг таг-заминиди дунёнинг машҳур шаҳарлари Самарқанд оғлида оддий бир қишлоқсифатидир, деган маъно бор.

Самарқанди фирдавсмонанд атрофида бунёд этилган боғлар-чи, бағот шинам ва гўзал. Уларнинг таърифи муаррихлар асарларида кептирилган. Боги нақни жаҳон (Жаҳонгир Мирзо боғи), Боги Чинор (Сароймұлхоним боғи), Боги Биҳишт (Туман оқа боғи), Боги Дилкушо, Боги Баланд, Боги Давлатбоб, Боги Нав ва бошча боғлар пойтахт кўргига кўр бўйл қўшилди. Уларнинг ҳар бирида муҳташам сарой, кўшк ва нақшинкор айвонлар қурилди, салқин хиёблар барпо этилди.

Боғларда бўлган, гўзал масканларни ўз кўзи билан кўрган испан эглиси Руи Гонсалес де Клавихо бари ҳақида ўз кундаликларида завқ-шавқ билан қалам тебратган. Чуночни, испан эглиси Соҳибқироннинг суюкли хотини Туман оқага атаб бунёд этилган Боги Биҳишт ҳақида шундай ёзанди: “Бу боғнинг гишин ва нақсин, ложувард ва олтин билан безатилган баланд ва гўзал дарвозаси бор. Бог ниҳоятда катта. Үнда мевали ва серсоя дараҳатлар кўп. Ётқан панжаралар билан ишоталганан шинам хиёбон ва ўйлаклардан одамлар ўтиб туради...”

Боги Нав ҳақида эса қўйидагиларни ўқимиз: “Боғнинг тўрт тарафи баланд дэвборлар билан уралган, ҳар бир бўрчагуда гўласиғат бурж-минора бўй чўзган. Бог ўртасида – олдиди сарҳовузи бор катта чортқи ўй кўзга ташланади...”

Умуман, бөг яратиш, бунёд қилишни Амир Темур жуда яхши қўрарди, таъбир жоиз бўлса, боғлар яратиш унинг севган машгулотига айланганди, яшнаган бөгни кўриб бахри дили очиларди. Умрининг охиригача шундай кўтлуг иш билан машгул бўлгани бунинг далини. Шуни айтиш жоизки, барча боғлар, мадраса ва масжидлар қурилиш лойиҳаси Соҳибқирон раҳнамолигида қўлигур усталар, меймормар тарафидан чизилар эди.

1397 йил марта Амир Темур Самарқанднинг шимолида Боги Дилкушони барпо этиш учун “Конигилнинг бир ёнида бөги тарҳ солсунлар!” деб буйруқ беради. Кичик малика, соҳибжамол Тўкалхонимга атаб олий бир кўшк, улуғвор айвон бунёд этадилар.

“Кўшикнинг тоқу равоклари нақшинкор ва сиркор гиштлар билан пардоз томди, – деб ёзди Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида. – Богнинг тўрт бўрчагуда... сарҳашам шийлонлар қурилди”.

“Темурбек” Самарқанд шарқида иккى бөг солибдур, ...ёуқорғи Боги Дилкушодир, – дейилади “Бобурнома”да. – Андин Феруза дарвазасига хиёбон қилиб, иккى тарафда терак ўйғочлари эктурубтур.



Бошланиши 1-саҳифада.

Кўлэзма чиройли қўчирилган ва матн олтин чизики рамка ичига олинган. У Шер Али деган шахс томонидан кўчирилган. Кўлэзмада ўн иккита миниатюра мавжуд. Колофон сўнгиди Мир Жамолуддин Ҳусайн деган шахс томонидан Ақбар Шоҳга (1542-1605) тақим қўлингани ҳақида ёзув ҳам бор.

Биз кўлэзма ҳақидаги маълумотни Американинг Блумингтон шаҳрида жойлашган Индиана университети профессори, кутубхонашunos олим Акрам Ҳабибулаевнинг 2022 йили нашр қилган “Аҳоддорлар мероси: Америкадаги кўлэзмалар” деб номланувчи каталогидан билиб олдик. Шундан сўнг кўлэзма билан танишиш иштёки пайдо бўлди.

Кўлэзма АҚШнинг Балтимор (Мериленд штати) шаҳридаги Жон Гарретт уй-музейидаги “Зафарнома”нинг мазкур кўлэзмаси “Ҳусайн Бойқаро “Зафарнома”си”, Гарретт “Зафарнома”си ёки Балтимор “Зафарнома”си деган яна бошқа номларга ҳам эга. Бунинг тархи кизиқ. Америкада Индустрӣал революция замонидаги тарихи тўлларни куришга катта ҳисса кўшган банкирлардан иборат Гарреттлар супласи вакили бўлган дипломат Жон Гарретт (1872-1942) 1942 йили Принстон университетидан “Зафарнома”нинг ноёб кўлэзмасини сотиб олади. Бу

нинг тархи қўйидагicha:

Мериленддаги йирик темирийул бизнеси ва бански зодагонлари оиласидан бўлган Жон Гарреттга Балтимор шаҳридаги ҳашаматли ўй-жой ва унинг ёнидаги ўнлаб гектар масофани ташкил этган ерлар мерос қолади. 1895 йили Принстон университетини таомилагандан кейин, Жон Гарретт дипломат сифатида бир неча мамлакатда ишлайди. У мәърифатга қўзиши туфайли рафиқаси Алис Гарретт билан бирга осори-атикалар, жумладан, инглиз ва бошқа гарб тилларидаги адабий, тарихий, ижтимоий, сиёсий, маданий, диний ва санъатга алоқада асарлар, ноёб буюмларни сотиб олиб, ўнда тўплайди. Ҳозир Жон Гарреттнинг ушбу ўй-музейидаги жами 35000 та китоб ва қўйимматбаҳо асарлар сақланмоқда. Жон Гарретт Мериленддаги ўйида, нафакага чиққанидан кейин, рафиқаси билан зодагонлар иштирокидаги маданий кечалар ва адабий мажлислар ўтиштириб туради.

1925 йили Жоннинг укаси Роберт Гарретт Париждаги антиқа китоблар дўконидан ноёб кўлэзма сотиб олишига маваффақ бўлади. Бу китоб ҳозирда “Гарретт “Зафарнома”си” номи билан илм ахрига маълум. Тахминларга кўра, бу XV асрда Ҳусайн Бойқаро бўйргига биноан битилган ноёб кўлэзма. Роберт кўлэзмани ватани Америкага олиб

келади ва акаси Жон ҳам бундан хабардор бўлади. Аммо 1939 йили Роберт бу кўлэзманни Принстон университетига сотиб юборади.

Санъат ва маърифатни жондан севган Жон Гарретт 1942 йили “Зафарнома”нинг мазкур кўлэзмасини Принстон университетидан кайта сотиб олиб, Мериленддаги ўйи кутубхонасида сақлайди. Аммо орадан кўп ўтмай Жон Гарретт вафот этади. Унинг фарзандлари бўлмагани боис Жон Гарретт рафиқаси билан Мериленддаги йирик ер мулк ва ўйни Жон Холкис университетига қолдириб кетади. Гарреттнинг тўплаган антиқа буюмлари ҳозир ўй-музейидаги сақланади ва Мериленд штатининг маданият мероси, ноёб маънавий бойлиги ҳисобланади.

Бу кўлэзманинг илк саҳифасига турпи суптонлар мурхлари кўйилган ҳамда турпи асарларда манбага эталик килган шахс ва кишилар имзолари битилган. Кўлэзманинг бош саҳифалари ҳашаматли безатилган. Асар форс тилида ёзишган ва яхши холатда сақланган.

Кўлэзма 1050 бетдан иборат. Ўлчови – 235 мм. X 152 мм. Муқоваси янги даврга оид. Кўлэзмада ўн иккита миниатюра кептирилган. Колофонда хаттот номи Шер Али, деб кўрсатилган.

Умуман олганда, Низомиддин Шомий ва



Дилкушода ҳам улуг кўшик солдурубтур, ул кўшикта Темурбекнинг Ҳиндистон урушини тасвир қилибтурлар...

Муаррихлар сўзларига қараганда, бөг жоннатдай оромижон, Эрам бөгидек дилкушо экан. “Амир Соҳибқирон у бөг ва саройларине куриши билан бир ойни ўтказди”, дейди Низомиддин Шомий ўзининг “Зафарнома” асарида.

Ҳайратда қоладиган жойи, салтанат юмушлари билан ниҳоятда банд бўлган

Амир Темурдай давлат араббининг битта бөг барпо этишига бир ой вақтини бериши, шунга фурсат топа ола билишидадир. Ҳудди ўша Биҳишт (Ибн Арабшоҳ, Руи Гонсалес де Клавихо) сингари тарихчilar завқ билан кезизган, кўрганларини авлодларга ёзib қолдирishgan. Бундай боғларнинг факат Самарқандда эмас, балки бепоён салтанатнинг бошқа мавзеларида ҳам барпо этилганни эътиборни ўзига тортади. Булар,

хисобланади.

Амир Темур ҳар гал Ясси шаҳрига келганида ёки ҳар хил сабаблар билан шу томонларга ўйли тушганда зиёратни улуг пирнинг мозоридан бошларди. Даставал бу ерда ўн иккичи милодий асрда қурилган кичик мақбара мавжуд эди.

Соҳибқирон ва унинг даври тарихини мумкаммал ёритган Шарафуддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришибча, милодий 1397 йил кузиди Соҳибқирон Тошкент сари равона бўлади ва ундан ўтиб Ясси шаҳрига боради. Табаррук кадамжони тавоғ этар экан: “Бу азиз Мұхаммад Ҳанифа ўғлоларидин турур, алайҳи ва ала олиҳи вассалом”, дейди. “Буюрдиким, – деб ёзилади “Зафарнома”да, – ул мозорига устига иморати олий солдилар ва бир улуг тоқ (умбаз) боғладиларки, кўк била сўзлашур эрди... Ва фармон бўлдиким, томларни рангин кошин билан музайян қўлсунлар (чироили безасунлар). Ва Ҳожанинг қабрini оқ тош била ясадилар... Иккى ўнгдан сўнг ул иморат туаанди. Ул иморат туаандан сўнг, андаги факиру мискинларга кўб садақалар бердилилар...

Хожа Аҳмад Яссавий қадамжоси ҳамиша Соҳибқирон эътиборида бўлган. Макбарага маҳсус вақф тайинланган, таъминоти учун давлат томонидан унумдор ер майдони, сарой, тегирмон ва бошқа зарур мол-мулклар ажратилган.

Амир Темурнинг бунёдкорликка, умуман, ободчинчиликни катта аҳамият берганини унинг машҳур “Тузуклар”идан ҳам биласа бўлади. Бу нарса унинг учунгина эмас, балки бутун салтанат учун ҳам ҳаётбахш дастур ғазифасини адо этади ва салтанат руслумига айланади. “Амир этдимики, – дейди Соҳибқирон, – кимки бирон сархони обод қўлса ёки кориз (ер тагидан ўтказилган сув ўйли ёки ариқ) курса, ё бирон бөг кўкартиурса, ёхуд бирон ҳароб бўлбўл ётган ерни булоқ қоса, биринчи ўйни ундан ҳеч нарса (яъни солик) олмасунлар... ҳароб бўлбўл ётган ерларда коризлар курсунлар, бузилган кўпприкларни тузатсунлар, ариқлар ва дарёлар устига кўпприклар курсунлар, ўйл устида ҳар манзилгоҳа работлар бўнёд ётсунлар... катта-кичик ҳар бир шаҳар,

ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қўлсунлар, факиру мискинларга лангархона солсунлар, беморлар учун шифохона курдусунлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласунлар. Ҳар бир шаҳарда дор ул-иморат (сарой) ва дор ул-адолат (қозохона) курсунлар...

Ушбу сўзларининг замидари олам-олам маънолар яширин. Бунёдкорлик салтанатда урға айланни, унинг ҳаётбахш таъсири нафақат Соҳибқирон, балки амирзодалар, маликалар, аъёнлар ўтасида ҳам кенг тарқалди. Бу ҳаётбахш урғадан руҳланган Соҳибқирон эгаси Куттуб Туркон оқа, рафиқалари – маликалар Бибиконим ва Туман оқа, келинлари Гавҳаршодбегим, Милкат оқа (Шоҳруҳ Мирзо хотинлари) каби ва бошқа маликаларини ўз маблаглари хисобига бўнёд этган шифохона ҳаммом, хонақоҳа мадраса, масжиду работлари ҳақида тарихий китобларда батафсил ёритилган.

Айтилган сўзлар Амир Темурнинг бунёдкорлик фаoliyatiiga bir chizigalar holos...

Бу ийл Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 688 йиллиги кенг нишонланади. Атрофимизга боқиб, беихтиёр ўша Амир Темур бобомиз амалга оширган бунёдкорликларни эслаб фарҳланамиз, кўксимиз тоғдай кўтарилиди, кувонамиз.

Дом кўраман деган ўзбек халқи мухтaram Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўйидан ўз улуг фарзандининг ҳаётбахш анъаналарини шиддат билан давом эттироқда, шаҳарлар, саройлар, бинолар, уйлар, кўпприклар ва бошқа кўп иншоотлар бўнёд этилмоқда. Бундан гурурланамиз, кўксимиз тоғдай кўтарилиди, кувонамиз.

Ўз-ўзидан улуг мурарх Шарафуддин Али Яздийнинг қўйидаги сўзлари хәёлимга келади: “(Соҳибқирон) ҳар ердаким, иморатка қобил ер кўрса эрди, ул ерда албаттара бир иморат солур эрди...”

Бу куттуб сўзлар Амир Темурга ҳам, жонажон ўзбек халқига ҳам баб-баравар тегишилди.

Муҳаммад АЛИ, Ҳалқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди раиси, Ўзбекистон халқ ёзувлчиси

Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” солномаси Темурлилар хонадонидаги жуда машҳур бўлган асарлардан хисобланган. Уларнинг миниатюралар билан нашр этилиши, Моварооннаҳар ва Хуросонда катта шуҳрат топиши Амир Темур шахсиятига бўлган обрў-эътиборнинг юқсанлигидан да-лолатди.

Америкалик олма Леонор Симс 1973 йили бу кўлэзма бўйича Нью-Йорк университетига сотиб юборади. Санъат ва маърифатни жондан севган Жон Гарретт 1942 йили “Зафарнома”нинг мазкур кўлэзмасини Принстон университетидан кайта сотиб олиб, Мериленддаги ўйи кутубхонасида сақлайди. Аммо орадан кўп ўтмай Жон Гарретт вафот этади. Унинг фарзандлари бўлмагани боис Жон Гарретт рафиқаси билан Мериленддаги йирик ер мулк ва ўйни Жон Холкис университетига қолдири

МУЛОҲАЗА

ЗЭГУ ИШГА РУХСАТ НЕ ҲОЖАТ?

Ортда қолган ҳафта якунда Президентимиз раислигига ижтимоий-маънавий ҳаётимизга дахлор мухим ташаббус – “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати доирасида жорий йилда амалга ошириладиган тадбирлар, жумладан, қабристонларни тоза-озода саклаш, уларни инсонга руҳий кувват баҳш этувчи сўлим манзилларга айлантириш масаласига багишлаб ўтказилган видеоселектор йигилиши феълатворимизу ҳаёт тарзимизга хос анча-мунча камчилик ва нуқсонлар ҳақида мулоҳаза қилиб кўришга ундаши билан аҳамиятили бўлди.



Сўнгги пайтларда ижтимоий тармокларда меҳнат жамоаларининг исталган сайд-харакати ёхуд ташаббусини “мажбурий меҳнат” сифатида талқин қилиш, айборларни излаш урға айланбিш бораётir. Бэзида шу кетища киши кўлуни совуқ сувга урмайдиган танбалга айланниб, унда ўз ҳаётини ҳам, бошқалар аъмолини ҳам хавф остига қўядигандек эзгин кайфият пайдо бўлади.

Бу танбаллик кўпчиликни аллақачон китобдан, газета-журналдан воз кечиша ўргатиб улгурди. Интернетда “болалаб кетган” енгил-елги томошаю оғди-коҷди хабарларни улфат тутиб бўлдик. Афсуски, эндилиқда у хатарли эпидемия янглиг, тирик жонки бор, жисму жонига ўрнашиб олмоқда, руҳиятини ағбор этимодка.

Сўзларимни муболагага йўйманг. Ҳатто ота-боболари мангу кўним топган қабристонларда бошланган тозалаш ва ободонлаштириш ҳаракатларини бирёзлама талқин қилиб, дунёга жар солаёттандар бор. Ёшларнинг ўз таълим даргоҳларини тоза-озода саклаш, ён-атрофини кўркм буғу гулзорга айлантириш йўлидига ташабbusларini “мажбурий меҳнат”га йўйиб, “айборларни жазолаш”га даъват этаётганлар бор.

Ваҳоланки, эътиқод, сабр, қаноат ва инсон иродасини тарбиялашнинг энг биринчи воситаси бўлган меҳнатдан воз кечиш, китобдан юз буриш – ўзини ҳайвоний сифатга мубтало этишдан ўзга нарса эмас.

Аксинча, ўзини борлиқка доҳил, жамиятга манфаатли, келажакка масъуль ҳисоблаш – иккى дунё саодатига восил этгувчи энг ишончли йўлдир. Улуг аждодларимиз ҳаёти – бунга ёрқин мисол.

ҲАЗРАТИ ИМОМ – АБУ ҲАФС КАБИР БУХОРИЙ КИМ ЭДИ?

Бутун ислом оламига Абу Ҳафс Кабир Бухорий номи билан танилган улуг фиқихунос ва файласуф,

мазхабининг асосчиси, илоҳиётчи, фахик, муҳаддис Абу Ҳанифа Нўймон ибн Собит – Имом Аъзам (699–767)нинг таникли шогирди Имом Мухаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний(вафоти милодий 804 йил)дан илом олган.

Наршахийнинг ёзишича, Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг шарофати билан Бухоро “Қуббат ул-ислом” – “Ислом динининг гумбази” унвонини олган. Абу Ҳафснинг



илоҳиётшунос, бујук муҳаддис, уламолар сultonни ва сардаftari Абу Ҳафс Кабир Бухорий хижрий 150 (милодий 767) йили Бухоро шаҳрида таваллуд топиб, хижрий 217 (милодий 832) йилда шу ерда вафот этган.

Бухородан узоқ ислом шаҳарлари, хусусан, ўша даврда исломий илим ва маданият пойтаҳи ҳисобланмиш Бағдодга бориб, ҳанафий

ўзига “Кабир Бухорий” – “Бухорийларнинг каттаси” ва “Имоми Ҳожатбарор” – “Ҳожатларни чиқарувчи имом”, “Ҳазрати Имом” деган унвонлар берилган.

Абу Ҳафс Кабир ислом хуқуқшunosligi асосларини яратган йирик олим эди. Унинг “Фатовойи Абу Ҳафс” (“Абу Ҳафснинг фатволари”) деб номланган фатволар тўплами ислом оламида маълум ва машҳур

бўлиб, барча фақиҳлар ҳазратнинг мазкур тўпламига суняниб иш юритишиган. Унинг илми довруги шу даражага етганки, Арабу Ажамдан олимлар келиб, ўзларига мушкулот тудғирган саволларга ул зотдан жавоб олиб кетар эдилар. Эл-улус ва ахли илм ўртасида “Ҳазрат Абу Ҳафс айтган бўлсалар – бунда шубҳа йўқ”, деган қатъий ишонч юар эди.

Имом Бухорийдек улуг зотга устоғиз қилган ҳазрат Абу Ҳафс Кабир мангу кўним топган “Ҳазрати Имом” қабристони бухороликлар ва қадим шаҳарни азизу мукаррам билган инсонлар учун муқаддас зиёртатоҳидир. Ҳар куни минглаб юртдошларимиз ва межмонлар бу ерни зиёрат қиласидар, дуойи фотихаларга сомеъ бўлиб, руҳий ҳаловатга эришадилар.

Ўзига хос очик осмон остидаги музей янглиг таассурот ўйғотидиган мазкур қабристон ўнлаб давлат ва жамоат арбобларининг сўнгиги манзили эканлиги билан ҳам қадри: бујук композитор, ўлмас мадхиямиз мусиқаси муаллифи Мутаваккил Бурхонов, тил ва миллат фидойиси, профессор Мустаким Мирзаев, санъат арбоби, кино ва театр саҳнадаридаги бетакор роллари билан кўп сонни мухлислар қалбидан жой олган истеъододли актёр Муҳаммад Рафиқов, атоқи фольклоршунос, профессор Охунжон Сафаров, “ўйғоқ тошлар, тош битиклар кўйичиси” дея таърифланидан таникли шоир Тошпӯлат Аҳмад, “Бухорага Бухоро келди”, “Ҳикмат излаганга ҳикматидир дунё” каби сатрлари каттава кичикларни тилидан тушмайдиган Садриддин Салим Бухорий ва яна кўплаб илм-фан, санъат ва маданият намоњандарни қабрларини ҳар бири – баайни ибратлоҳона.

Шубҳасиз, Бухорони “Қуббат ул-ислом”га айлантирган зот ва яна ўнлаб номлари қайд этилган, этилмаган фидойилар мангу кўним топган манзил биз учун азизу мукаррам. Бу манзилларга кўнган гард – бизнинг қалбимизга кўнган гард. Модомики, бу гардларни артимас эканмиз, қалбимизни занги босади.

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД АВЛИЁЛИК ДАРАЖАСИГА ҚАНДАЙ ЕТГАНЛАР?

Муҳаммад Бокирнинг “Мақомоти шоҳи Накшбанд” асарида улуг пир ва аллома Баҳоуддин Накшбанд тўғрисида шундай ривоят қилинади:

Бир куни шогирд ва ҳамсұхбатари улуг пирдан сўрадилар:

– Устоз, Сиз бу даражага ва мақомларга қандай эришдингиз?

Ҳазрат Накшбанд жавоб бердилар:

– Резачинлигим туфайли.

Сұхбатдошлар ҳайрон бўлиб, жавобнинг шархини сўрадилар.

Улуг пир жавоб бердилар:

– Резачинлигимнинг маъноси шуки, оёқ остида бошқаларнинг эркин ҳаракатланишига ҳалақит берадиган, манзилу макон ободлигига путур етказадиган ниманини кўрсан, ҳасми, чўпми, тоши, кесакми – бир чеккага олиб кўйдим.

Токи йўлдан ўтганлар озорланмасинлар, бу ерларга кўзи тушганларнинг таъблари хира бўлмасин...



Сұхбатдошлар бу жавобдан лол бўлдилар, резачинликнинг шарофати хусусида чукур мушоҳадага берилди.

Улуг зотга яқин бўлган инсонлар шаҳодатича, ана шу резачинлик одатлари туфайли ҳаракатнинг этаклари ва қўлларидан доимо тупроқ хидо келиб турар экан...

Дарвоҷе, мазкур ривоятнинг ўзгача талқини ҳам бор. Унга кўра, Ҳожа Баҳоуддиннинг резачинликлари ҳаракати, ана шу резачинлик одатлари туфайли ҳаракатнинг этаклари ва қўлларидан доимо тупроқ хидо келиб фазилатларга...

